ТЎЛИҚ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

№ ____

Тошкент ш. "__" _____ 20__ й.

"_____" МЧЖ директори _____ (Иш берувчи) ва _____ лавозимидаги _____ (Ходим) қуйидагилар ҳақида шартнома туздилар:

1. Ходим унга сақлаш, қайта ишлаш, сотиш, ташиш ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун ишониб топширилган мол-мулкнинг сақланиши учун тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2. Ходим: мол-мулкка эҳтиёткорона муносабатда бўлиши; унинг ҳаракати ва ҳисоботларини белгиланган тартибда юритиши; инвентаризацияларда қатнашиши; мол-мулк сақланишига таҳдид ҳақида дарҳол хабар бериши шарт.

3. Иш берувчи: мол-мулкни сақлаш учун зарур шароитларни яратиши; ходимни моддий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик билан таништириши; инвентаризацияларни белгиланган тартибда ўтказиши шарт.

4. Камомад аниқланса, зарар миқдори Меҳнат кодексида белгиланган тартибда аниқланади ва ундирилади. Ходим айби ёъқлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилинади.

5. Шартнома ходим ишониб топширилган мол-мулк билан ишлаган бутун давр мобайнида амал қилади.

Иш берувчи: _____ Ходим: _____